

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 21 (14,124) 25 МАЙ, ПАЙШАНБА 2023 йил

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



vtto.uz



vtto_uz@mail.ru



[@Toshkent_oqshomi](https://www.instagram.com/Toshkent_oqshomi)



[Toshkent oqshomi](https://www.facebook.com/Toshkent_oqshomi)



[Toshkent Oqshomi_24](https://www.telegram.com/Toshkent_Oqshomi_24)

АНОНС



Мақсуда Отажоновна:
“ЭНГ ЯХШИ РОЛЛАРИМ
– САҲНАДА!”



**ҚОНУН УСТУВОР, ЖАЗО
МУҚАРРАР**



**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИ УЧУН ЭНГ
ЯХШИ ДАВЛАТГА
АЙЛНАДИ...МИ?**





Мактаб даврини ўзгача хаяжон, энтикиш билан эсламайдиган инсон бўлмаса керак. Ахир мактаб – бу болалик, беғуборлик демакдир.

Бугун юртимиздаги барча ўрта таълим муассасаларида сўнги кўнғирок садолари остида битирувчилар қадрдон мактаблари, жонажон устозлари билан хайрлашдилар...

Мактаб – умрнинг энг ёрқин хотираларга бой қисми. Энг яқин дўстларни орттирадиган, илк ва соф муҳаббатни ҳис қилишга имкон берадиган палла. Ота-оналар фарзандларини билим олиш учун мактабга жўнатишади, бироқ, мактаб уларга юқоридаги каби туйғуларни ҳам тухфа этади. Бизга ўқиш ва ёзишни ўргатган, оқ-қорани танитган илк устозларимиз эса бир умр ёдимизда ва қалбимизда қолади.

Битирув куни мактабни мадҳ этувчи қўшиқлар 2-3 дақиқа давомида бутун мактаб хотираларини ёдимизга солади. Улғайганимиз, катта ҳаётга яна бир қадам ташлаш вақти келгани хаёлларимизнинг бир чеккасида ўта бошлайди. Кимлардир мактабни ҳали тарк этмасдан ўзи ўтирган қадрдон партасини соғина бошласа, яна кимдир авваллари мактабдан қочиб қирмаган дарс соатларини, бир хонада жам бўлиб ўтирган синфдошларини кумсайди. Олийгоҳдаги беш баҳолар ҳам кундаликка қўйилган баҳонинг гаштини боса олмайди гоҳида.

– Бу йил республикаимиз бўйича 391 568 нафар битирувчи мактабни тамомламоқда, – дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Лайло Рустомова. – 2023-2024 ўқув йилида 1-синфга 732 минг нафар ўқувчи қабул қилиниши режалаштирилган.

– **Тадбирга фақат 1-, 4-, 9-, 11-синфлар жалб қилиниши ҳақидаги хабарлар ростми?**

– Мактабларда “Сўнги кўнғирок” тадбирларида 1-, 4-, 9-, 11-синф ўқувчилари жалб этилади. Тадбирда мактабдаги ўқувчилар сонидан келиб чиққан ҳолда бошқа синфлар ҳам иштирок этиши мумкин. Айрим мактабларда ўқувчилар сони кўп бўлгани боис мактаб ҳудудини ҳисобга олган ҳолда “Сўнги кўнғирок” тадбирларида битирувчи синф ўқувчилари иштирок этиши тавсия этилди.

– **Яқуний имтиҳонлар қайси синфларга нечта фандан тақсимланди? Бунда қайси жиҳатларга эътибор қаратилади?**

– Жорий йилда мактаб ўқувчиларининг яқуний имтиҳонларида креатив ва мантикий фикрлашга йўналтирилган топшириқлардан фойдаланилади. Шу йилнинг май ва июнь ойларида мактаб ўқувчиларининг яқуний назорат имтиҳонлари бўлиб ўтади. 9-синф ўқувчилари учун жисмоний тарбия фанидан имтиҳонлар жорий йилнинг 1-6 май кунлари ўтказилди. Шунингдек, 9- ва 11-синфлар учун яқуний (битирув) назорат имтиҳонлари жорий йилнинг 26 майдан 15 июнига қадар ўтказилади. Умумтаълим фанини билиш даражаси тўғрисида давлат намунасидаги сертификат ҳамда чет тили фанлари бўйича камида В1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга бўлган ўқувчилар имтиҳонларда муайян фандан озод этилади. Имтиҳон топшириладиган фанлар ва бошқа саволларга жавобни вазирлик расмий сайтдан ҳам олиш мумкин.

Дилшод Каттабеков, актёр:

– 1997 йил пойтахтимизда жойлашган Успенский номидаги мусиқа мактабига қабул қилинганман. 5-синфга қадар жуда яхши ўқиганман. Ҳатто 3-синфдан 5-синфга “сақраганман”. Анчагина иқтидорли ўқувчилардан эдим. Мени алоҳида индивидуал тарзда ўқитишарди. Чунки, мактабга келгунимга қадар катта сахналарни кўрган, давлат тадбирларида иштирок этиб юрган бола эдим. Биринчи Президентимиз қўлларида кўтарган бола деб, 5-синфга қадар индивидуал ўқитишган. 5-синфдан кейин умумий ҳамма билан ўқиганман. Актриса Зарина Низомиддинова билан синфдош бўлганмиз.

“Кичкина табиб” фильмидан сўнг “Киночилар уйи” директори мени ёқтириб қолган ва: “сен учун ҳаммаша эшигимиз очиқ, хоҳлаган пайтинг келиб кино кўришинг мумкин”, дегандилар. Мактабдан чиқиб дўстларим билан бориб, бизга ёққан, истаган фильмларни кўрардик.

– **Энг яқин дўстларингизни мактабда орттирганмисиз ёки санъатда?**

– Энг яқин дўст деб синфдошни ҳам, курсдош-у касбдошни ҳам айтиб бўлмайди. Энг яқин ва содиқ дўст бу – ота-она. Қолганлари маълум бир вақт дўст бўла олади.

– **Устозларингиз...**

– Устозларимнинг барчаси яхши инсонлар. Кино, концертлар учун устозларимга таклифномалар олиб келиб берардим. Хурсанд бўлишарди. Лекин охирида имтиҳонларимни ҳам аъло баҳоларга ёпиб олардим (қулади).

– **“Кичкина табиб”даги образингизга хос характер реал ҳаётда (мактабда) ҳам бўлганми?**

– Йўқ мен анчагина оғирроқ эдим. Баъзи болаларга ўхшаб ўйинқароқ, шумтака, қизларнинг сочидан тортиб, устозларнинг асабига тегадиган ўқувчи бўлмаганман. Мактабга боргунимга қадар танилиб улгурганим учун ҳам, ўзимни яхши тутишга мажбур эдим. Чунки қилаётган ҳар бир ҳаракатим эртага ўзимга зарар келтириши мумкин. Яхши хулқим, билимим билан ҳурмат қозонганман.

– **Мактаб даврингиздан айнан нималарни соғинасиз?**

– Ўйинқароқ пайтларимиз, чанг тўзонда мактаб стадионида футбол ўйнаганларимизни соғинаман. Футболга ихлосимиз катта эди. Тошлардан, сумкаларимиздан дарвоза ясаб, ҳатто теннис тўпида ҳам футбол ўйнаганмиз. Бу онлар ҳеч қачон эсдан чиқмайди.





Карен Гафуржанов, хонанда ва бошловчи:

– Онам қўлимдан ушлаб, оппоққина кийинтириб, 1981 йилда биринчи синфга олиб борганлар. Ҳаяжондан кўра кўрқув кўпроқ бўлган. 1991 йилда мактабни битирганмиз.

– Илк устозингиз, устозлар билан боғлиқ ва бошқа мактаб хотиралари ҳақида гапириб беринг?

– Тамара опа, Мая Васильевна, Рашид Робертович, Наиль Усманович, Татьяна Васильевналар менинг илк устозларим эди. Афсуски, барчасини санаб ўтиш учун ҳозир хотирам панд беради, лекин барчаларидан бугун миннатдорман. Жуда шўх бола бўлганман, шунга қарамай

устозларимизнинг бизларга бўлган меҳри ва алоҳида эътиборини доим ҳис қилиб турганмиз. Хотираларим ҳақида гапирсам, китоб бўлади, лекин юқорида айтганимдек, жуда қувноқ бола бўлганим аниқ. Мактабдаги бирор тadbир менинг сценарийимсиз ёки иштирокимсиз ўтмасди, очигини айтсам ўғил болача ишқаллар ҳам. Бизнинг даврда бу мода эди (кулади).

– Илк муҳаббатингизни эслай оласизми?

– Илк муҳаббатларим ҳақида гапирсам бўладими? Чунки, мен севсам доим худди ҳеч қачон бунчалик қаттиқ севмагандек ҳис қилардим ўзимни (кулади). Адашмасам, 5-синфда параллель синфдаги қизни ёқтириб қолганман. Бироқ, қандай танишишни билмасдим. Бир куни, дўстларим билан тил бириктириб, у доим уйга қайтадиган йўл четида уни кутганмиз. Келишувга кўра, синфдошларим унга гап отиб, йўлини тўсиши, мен эса унинг ҳимоячиси бўлиб болалар билан уришишим керак эди. Лекин, ўзиям уч ёки тўрт соатлар кутганмиз, келмаган. Кейин билсак у ўша куни вақтли уйга кетган экан, мен эса уйга кеч келганимдан онамдан дакки эшитганман, роса алам қилганидан севгим ҳам қочиб кетган (кулади). Аммо, сиз сўрадингиз, айтмасам бўлмайди. Карен Гафуржанов тарихида қолган мактаб даврларидаги чин севгиси бўлган албатта. У қиз бугун чиройли оиланинг бекаси, уч фарзанднинг онаси. Унга атаб кўшиқ ҳам куйлаганман, мухлисларим ва яқинларим яхши билишади.

– Айти дамдаги энг яқин дўстларингизни мактабда орттирганмисиз ёки санъатда?

– Ёш улғайган сари яқин дўстлар давраси ҳам улғайиб, сараланиб борар экан. Бироқ, ҳозирги энг яқин дўстларим даврасида синфдошларим ҳам борлигидан жуда хурсандман. Улардан бирини сиз ва барча мухлисларимиз яхши танийди, “Анор” гуруҳида ҳам бирга куйлаганмиз. Ёдингизда бўлса 4 та йигитнинг бири “сариқ бола” бўлиб юрарди. Исми Артур, эсладингизми? Бугун ўша шаддоод ва қувноқ йигит катта адвокат, лекин ҳар кўришганимизда ёшлиқдаги Карен ва Артур каби узоқ суҳбатлашиб ўтираемиз. Қолган яқинларимни ҳам кўпчилик билади, улар ҳам санъатдаги одамлар. “Санъатда дўстлик бўлмайди” деган гапга қўшилмайман. “Шарқ” гуруҳидаги Сарвар Акбаров, “Фано” гуруҳининг йигитлари, Нилуфар Сотиболдиева, Севара Назархон ва бошқалар, уларни бирма-бир санай бошласам саҳифангиз етмайди, лекин, уларнинг бари менинг яқинларим ва ҳар бирини алоҳида қадрлайман. Барчага, чин дилдан ҳаётда менинг дўстларим каби дўстлари, яқинлари бўлишини тилаб қоламан. Чунки, улар билан ўтган ҳар бир даврнинг ўз гашти ва завқи барибир бошқача.

Дилноза Кубаева, “Шуҳрат” медали соҳиби, актриса:

– Мен 1-синфга 1993 йили қабул қилинганман. Мактабга илк бор қадам қўйганимда ҳеч нарсани тушунмас эдим, ҳали танишиб улгурмаган тенгқурлар, янги ўқитувчилар ва янги мактаб биноси. Барчаси мен учун янги эди. Гўёки, янги бир оламга тушиб қолгандек эдим. Илк синфга кирганимда юракларим тез-тез ура бошлаган ва мактаб ҳовлисида эшитилаётган кўшиқ ўйларимга далда бўлган. Мактаб ҳаёти мен учун янгилик эди гўё. Ҳар куни янгидан-янги нарсалар ўрганар эдим. Аста-секин муҳитга кўника бошладим. Ўқитувчиларимиз сабрли ва ҳушмуомала инсонлар эди. Доимо бизнинг ўзаро фикрлашимизни қўллаб-қувватлашди. Шу зайлда билим олишда давом этдик. Бир пастда 11 йил ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетди ва мен 2003 йил мактабни тамомладим.

– Мактабни, синфдошларни эслатувчи қандай ёрқин хотираларингиз бор?

– Синфдошларимни эслайдиган бўлсам, улардан фақат ва фақат яхши жиҳатларни ўргандим. Мактабни эслаганимда доимо бир нарса хаёлимга келади. Ўша дамлар ҳуснихатим чиройли эмас эди. Қиз бола синфдошларим орасида чиройли ҳуснихат эгалари бор эди. Уларга ҳавас қилардим ва астойдил ҳаракат қилиб ҳуснихатимни бир оз бўлса-да чиройли қилишга эришдим. Аниқ фанларга келадиган бўлсак, қанча ҳаракат қилмайин яхши ўзлаштира олмадим. Аниқ эсимда, синфдошларим Ҳосият, Ирода, Наргизалар мураккаб математик масала-ю, тенгламаларни кўз юмиб ишлаб ташлашарди. Биз эса улардан кўчирар эдик. Шу ўринда айтиб ўтишим жоизки, уларни жуда кўп эслайман.

– Сиз энг зўр деб ҳисоблаган устозингиз борми?

– Ўрта мактабдаги устозим Тен Белла Алексеевнадан кўп нарсани ўрганганман. Улар бизни пешқадам, интизомли ўқувчи бўлишимизга ҳар доим ундарди, синфдошлар ўртасида аҳилликни сақлаш, табиатни авайлаш, мактаб ва синфхонани ўз уйимиздек озода тутишимиз кераклиги борасида жуда талабчан эди. Санъат мактабида таълим берган яна бир устозим Баҳодир Назаровнинг бизга берган ҳаётий ўғитлари, санъат сирлари сабоқлари, шеърлий асарлар таҳлили, саҳна маданияти-ю одоби, актёрлик маҳорати дарслари менга жуда асқотади. Шу ўринда, улардан бутун умр миннатдор эканлигимни айтиб ўтмоқчиман.

– Атрофингиздаги сиз ишонган дўстларингизни мактабдан орттирганмисиз ёки санъатда?

– Тўғриси тан олиш керак атрофимда дўстларим кўп эмас. Менинг ишонган, энг яқин дўстим – бу оилам.

– Мактаб пайтига қайтгингиз келадими?

– Қайтгим келмайди. Мен доим олдинга қадам босишни ҳуш кўраман. Ортга қайтиб ниманидир тўғрилаш ёки ўзгартириш каби фикрлардан йироқман. Асосийси, бўлиб ўтган ишлардан ўзим учун керакли хулоса чиқариб, хатоларни қайтармасликка интиламан.

Миржалол МАҲКАМОВ ва Дилнура МАМАСАФОЕВА тайёрлади



«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

Пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабида “Очиқ эшиклар куни” ўтказилди.

Маълумки, Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги 1027-ф-сонли фармойиши ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 7 декабрдаги 1768-сонли қарорига мувофиқ Тошкент шаҳар Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳудудида ташкил этилган. 2019 йилнинг 26 декабрь санасида бўлиб ўтган очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ўзи иштирок этиб, илк дарс машғулотларни ўтказган эди.

“Очиқ эшиклар куни” давомида пойтахтимиз ҳамда Тошкент вилоятидаги умумтаълим мактабларидан келган ўқувчилар ижод мактабидаги таълим жараёнлари, ўқувчилар учун яратилган шароитлар ва имкониятлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Тadbир доирасида ташкил этилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, таълим муассасасига ўқувчилар 7-синфдан қабул қилиниб, ҳозирда мактабда 197 нафар 7-11-синфгача бўлган ўқувчилар таҳсил олмақда. Уларга маҳоратли, юқори педагогик салоҳиятга эга ўқитувчилар таълим беради.

А.Қодирий номидаги ижод мактаби она тили ва адабиёт, тарих, инглиз тили каби фанларга ихтисослашган бўлиб, дарс машғулотлари турли замонавий методлар орқали олиб борилади.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва уларнинг ижодкорлик салоҳиятини ошириш учун дарсдан сўнг фан тўғрисида ташқари, ижодий тўғрақ машғулотлари ташкил этилган.

Жумладан, “Чигатой гурунги” номли драма ва мусиқа тўғраги, “Тасвирий ва рақамли” веб-дизайн тўғраги, насл ва назмда ижод қилувчилар учун “Кўнгил назм истаиди” номли тўғрақларни мисол қилиш мумкин.


Шунингдек, “Очиқ эшиклар куни” давомида суратлар кўргазмаси ҳамда ижод мактаби ўқувчиларининг бадий дастурлари намойиш этилди.



РУФАТ РИСКИЕВ

— “ТОШКЕНТ ЙЎЛБАРСИ”

Рискиев Руфат Асадович (2.10.1949 й., Тошкент ш.) — боксчи, хизмат кўрсатган спортчи (1974 й.), 75 кг. вазн тоифасида жаҳон чемпиони (1974 й., Гавана), Олимпиада кумуш медали совриндори (1976 й., Монреаль). Австрия, Болгария, Венгрия, Польша, Чехословакия, Югославияда ўтказилган халқаро турнирлар ғолиби (1969-1976 й.), Куба очик чемпионатининг икки карра чемпиони (1973 й., 1974 й.), Ўзбекистон жисмоний тарбия институтини тугатган (1977 й.). «Динамо» спорт жамиятида йўриқчи (1967-1977 й.), Тошкент политехника институтида кафедра мудири (1977-1979 й.), Республика олимпия ўринбосарлари билим юртида мураббий (1979-1984 й.). Рискиев боксчи ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Рингга қақирлади» (1979 й.) бадий фильмида бош ролни ижро этган. 1999 йилдан Тошкентда Рискиев соврини учун ўспиринлар ўртасида бокс мусобақалари ўтказилади. Мустақиллик йилларида «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган.



– Руфат ака, Ўзбекистоннинг афсонавий боксчиси ва сизни бежизга “Тошкент йўлбарси” деб аташмаган. Илк маротаба сизга бу номни қачон беришган?

– Мени 1973 йилда Кубага очик чемпионатга юборишган. Бу чемпионат жаҳон чемпионатидан 3-4 ой аввал бўлиб ўтган. Куба очик чемпионатида рақибимни нокаут билан ютдим. Шунда мени ўша пайтдаги мамлакат президенти Фидель Кастро табриклаган. Орадан уч ой ўтганидан сўнг яна келиб 1-раундда канадалик боксчини нокаут билан мағлуб этганман. Шундан сўнг мени “Тошкент йўлбарси” номи билан атай бошлашган.

– Жанг вақтида нималарга аҳамият қаратардингиз?

– Жангда рақибимни ўрганардим. Кўзларига қарардим, ҳаяжонланяптими ёки йўқми, бўйи: баландми ёки пастми, оёқ-қўллари семизми ёки озгинми, узунми ёки калтароқми... Шуларга қараб у билан қандай бокс тушиш бўйича хулоса чиқарардим. Бундан ташқари, мен тўхтовсиз зарба берардим. У бундан ғазабланиб, ақлини йўқотарди. Мен бундан фойдаланиб, рақибимни мағлуб этардим.

– Руфат ака, бундай техникани қаердан ўргангансиз, умуман боксдаги фаолиятингиз қандай бошланган?

– Аввалига 5-6 нафар дўстим билан акробатикага борганмиз. Тўғриси, менга ёқмаган, аммо барибир борганман. Кейинчалик дўстларим акробатикага бормаи кўйишди, мен эса боришда давом этгандим. Кейин дўстларим бокс билан шуғулланиш учун ўша пайтдаги машҳур мураббий Сидней Львович Жексонга боришди. Мен ҳам улар билан бордим. Ва бокс менга ёқиб қолди.

– Мактаб ўқувчиси бирор-бир спорт билан шуғулланиши учун унинг баҳолари яхши бўлиши керак эди...

– Тўғриси, мактабда яхши ўқимаганман. Математика ва адабиётдан яхши ўқирдим, аммо бошқа фанлардан ўзлаштиришим пастроқ эди. Ҳатто бир куни акам: “Агар яхши ўқимасанг, боксга бормаи сан”, деб таққ кўйган. Шунда мен: “Бормасам, бормаи ман!”, деб жаҳл қилиб боксга бормаи кўйганман. Онам боксга бормаи кўйганимни эшитиб, ёнимга келиб: “Нега боксга бормаи сан?”, деб сўраган. Мен бўлсам қайсарлик билан: “Бормаи ман!”, деб айтганман. Онам: “Болам сени отанг йўқ, агар сен боксга бормасанг кучли бўлмайсан, унда бизни ким ҳимоя қилади”, деб айтган. Шундан сўнг яна боксга боришни бошлаганман.

– Ота-онангиз ҳақида гапириб берсангиз. Улар қандай инсонлар бўлишган?

– Отам 1954 йилда оламдан ўтган. Жарроҳ бўлган. Ўша йиллари жуда қийин вақтлар эди. Онажоним эрталаб кетиб, кечқурун келарди. Уйда бор нонни ердик-да, кейин онамни кутиб ўтирардик. Ҳаммамизга овқат олиб келарди. Мана шундай қилиб катта бўлганмиз. Онам жанглариимни кўролмасди. Келганимдан кейин: “Болам яхши бориб келдингми, ютдингми?”, деб сўрарди. “Яхшиман она, 1-ўринни олдим”, десам, “Ишқилиб рақибингни қаттиқроқ урмадингми?”, деб сўрарди. “Бу нима деганингиз она”, десам, “Уни ҳам онаси бор-да”, деб кўярдилар.

– Боксчи бўлиш, умуман чемпион бўлиш қийинми?

– (Кулади). Осон нарсанинг ўзи борми? Ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққати бор. Жаҳон чемпионатида иккала кўлим ҳам синган эди. Биринчи учрашувни нокаут билан ютганман, иккинчи учрашувда ўнг кўлимни, учинчисида эса чап кўлимни синдирганман. Тўртинчи раундгача синган кўлим билан жанг қилганман.

– Ахир синган кўл оғрийдик, қандай қилиб бундай оғриққа дош бергансиз?

– (Кулади). Чунки, паспортимнинг “жинси” деб ёзилган жойига “эркак” деб ёзиб қўйилган.

– Биз Руфат Рискиевни Жаҳон чемпиони, бокс устаси сифатида яхши биламиз, аммо у оилада қандай?

– Турмуш ўртоғим билан 1977 йилда танишиб, турмуш қурганмиз. Икки ўғлим, бир қизим бор. Ўша пайтларда 150 сўм ойлик олган бўлса, шуни 120 сўмини аёлимга берардим, қолган 30 сўмини харажатларим учун олиб кўярдим.

– Нима учун ўғилларингизнинг ҳеч бири сизнинг йўлингиздан боришмади?

– Русларда бир гап бор: “Табиат даҳолар фарзандларида дам олади”, деган. Фарзандларим ўзлари қизиққан соҳадан кетишди. Аммо набираларим боксга қизиқишади.

– Сиз Европа чемпионатида чиқолмагансиз, аммо Европада жанг қилган боксчиларни нокаут қилган экансиз...

– Ўша вақтларда Европа чемпионатида битта жамоа борарди. Менинг вазн тоифамда Лемешев, Тарасенко, Иоцавич ва Клеманов Европа чемпиони бўлган. Аммо шу тўртталасини ҳам мен рингда мағлуб қилганман. Лекин мени Европа чемпионатида олиб боришмаган.

– Демак, сизга нисбатан ноҳақликлар бўлган экан-да, нима учун?

– Чунки, мен москвалик эмасдим...

– Бугун жаҳон ареналарини забт этаётган боксчиларимиз ҳақида нима дея оласиз?

– Мен ҳозир бокс кўрмаи ман.

– Аммо Руслан Чагаевга мураббийлик қилган экансиз...

– Руслан олдимга келиб оғир зарба беришни ўргатишимни сўраган. Ўн кун давомида у билан шуғулланганман. Шундан сўнг Америкага кетган ва бир ойдан сўнг рингга чиқиб, рақибини нокаут билан ютган. Менга алам қилгани, ҳатто “раҳмат” ҳам демади. Менга ундан ҳеч қандай моддий рағбат керак эмас, у Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилди. Аммо шунчаки, қўнғироқ қилиб, “раҳмат” деб айтганида хурсанд бўлардим.

– Нима учун ёшларга мураббийлик қилмайсиз? Ахир ёш боксчилар сиздан кўп нарсани ўрганишлари мумкин.

– Йўқ, мен 17 йил бокс билан шуғулландим. Тўғриси, шундай вақтлар бўладики, бокс ҳақида эшитгим келмай қолади. Қайси даврага кирсам, бокс ҳақида гап бошлашади. Наҳотки мен билан гаплашиш учун боксдан бошқа мавзу бўлмаса?!

– Монреаль Олимпиадасида кумуш медаль олганингиз сизни қаттиқ ранжитган эди. Финалда америкалик Майкл Спикка ютқазиб қўйган эдингиз. Ўша вақтда нимадан ранжигансиз, ўзингизданми ёки бошқа бир сабаби борми?

– Чемпионатдан 3-4 ой аввал Тошкентда АҚШ–Ўзбекистон боксчиларининг учрашуви бўлган эди. Ҳозирги “Алпомиш” саройида Майклин уриб ташлаганман. Олимпиададаги мураббийим Борис Гранаткин бориши керак эди. Аммо Москвадан бошқа бир мураббий юборишган. Жанг пайтида мен унга ишондим, у эса менга нотўғри кўрсатма берди. Унга ишонганим менинг катта хатоим бўлган. Агар шу мураббийга ишонмасдан, ўзим ҳаракат қилганимда ҳам ютган бўлардим. Шу нарсани менга алам қилади.

– Руфат Рискиевнинг ҳаётий ҳақиқати нимада?

– Биласизми, онажоним доим: “Дўста зор, душманга хор қилмасин”, деб дуо қилардилар. Дўстларимнинг қанчаси ўтиб кетди. Бир расм бор, у ерда терма жамоанинг 20 нафар спортчиси суратга тушганмиз. Ҳозир шулардан иккитамиз қолдик...

Ш.АБЗАЛОВА суҳбатлашди



Мақсуда Отажонова:

“Энг яхши ролларим – сахнада!”

Санъат – катта майдон. Унда даъвогарлар кўп, аслар бармоқ билан санарли. Бу майдонда эътироф этилганлар ва эътибордан четда қолганлар ҳам бор... Яна кимдир умрини сахнага тиккану, бирон марта бош роль ижро этмаган... Яна биров АКТЁР бўлиш истагида келиб кадр орти қахрамонларига қўшилиб кетган... Мақсуда Отажонова наманганлик. Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театри актрисаси.



Театр ва мен

“Театрда юзага чиқиш осон эмас, у ернинг ўз эгалари бор”, дейишган эди. Кўрқиб-кўрқиб келдим... Лекин устозлар мени бағрини очиб кутиб олишди. Тўғри, уларнинг салобати босарди. Ҳатто бир марта катта дарвозадан кириб зинадан кўтариламан деганимда устозларга кўзим тушиб, ҳаяжондан йиқилиб ҳам тушганим эсимда. Шунда Ўзбекистон халқ артисти Суръат Пўлатов келиб туришимга ёрдам берганлари эсимда...



Ўзбекистон халқ артисти Фароғат Раҳматова

менга ҳам устозлик, ҳам оналик қилган. Ая “қорнинг оч бўлса ҳам, ҳеч қачон очман дема. Ҳозир ош еб келдим, дегин. Бирон еринг оғриси ҳам, касалман демагин” дерди. Энди ўйласам, театрда ўз ўрнимизни топишимиз учун ҳамиша ишга, ижодга шай туришимиз шарт экан. Бу ўғитларни энди-энди тушунапман.

Опамнинг шарофати

Уйимиз дам олиш сихатгоҳига яқин эди. Шу боисданми кўпчилик шифокор бўлишни орзу қилган ёки ўқитувчи. Негадир ўзим ҳам шифокор ёки ўқитувчи бўлишга рози эдим, худдики дунёда бошқа касб йўқдек. Лекин санъаткор бўлиш, театрда ишлаш тушимга ҳам кирмаган. Аммо болалигимизда опам иккимиз қўшиқ айтиб рақсга тушар эдик. Бу истеъдодимизни ён-атрофдагилар яхши биларди. Бир куни опам Тошкентда санъаткорлар тайёрлайдиган институт борлигини бир эълондан ўқиб билган ва ота-онамга шифокор бўламан, деб Тошкентга келган. Лекин шифокорликни эмас, санъат йўлини танлаб, шу йўналишда таҳсил ола бошлайди. Фурсат ўтиб, ота-онам унинг аслида қаерда ўқишини билди, кейин мен ҳам шаҳарга келдим. САМПИга кираман, деб келдим. Лекин тақдир менинг йўлларимни ҳам санъатга бурди. Ҳаёт ажойибда, опам ўқишни тамомлаб, Наманганга қайтиб кетди ва ўқитувчи бўлиб ишлади. Мен эса опамнинг шарофати билан санъаткор бўлдим.



Парда ортидаги кўз ёшлар...

“Куёвлар конкурси” деган спектакль бўларди. Янги келганман, тортинчоқлигим бор, яна устозлар залда ўтирибди. Сахнага чиққанимда ҳаяжондан овозим чиқмай қолган. Шунда “Овози йўқ экан, бўшашганина қиз экан, бу қиз эпполмайди. Бошқа тайёр актрисаларни чақиринг, вақт кетказмайлик”, деган маънодаги иддаоларни эшитганларим ҳам эсимда.

Ўшанда ҳеч кимга сездирмай сахнадаги қалин, ҳаво ҳам, овоз ҳам ўтказмайдиган пардага ўралиб олиб бақириб-бақириб йиғлаганларим эсимда... Устоз санъаткор Фарзиддин Фаёзов сезган ва “арзимаган гапларга ўралиб йиғласанг, қачон актриса бўласан, шу гаплар учун ҳам кучли бўл”, деб мени тўғри йўлга солган. Ҳатто Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Маъдиевдан тарсаки ҳам еганман. “Фотима ва Зухра” спектаклининг репетициясида устоз айтганларини нимагадир чиқариб бера олманман. Ҳа деганда кўзимга ёш келмаган. Ҳамма менга қараб тургани ўшанда... кутилмаганда режиссёр келиб юзимга тарсаки туширган. Довдираб қолганман... Аммо роль маромига етгани. “Шу тарсаки сенга керакмиди?”, деган эди ўшанда Рустам ака...

Ёшлигимда қайнардим, чарчамасдим

Мен доим ўйнаган ролларимни ҳар бирини севиб, яхши кўриб ўйнардим. Бошқалардан бошқача ўйнашга ҳаракат қилардим. Чунки касбимни севардим, иш учун, ижод учун ёнардим. Биласизми, мен театрда энг чиройли образларни ўйнадим, бу ҳаммага ҳам насиб этмайди. Ёшлигимда қайнардим, ҳеч қачон роллардан чарчамасдим. Аммо шундай пайтлар бўлдики, театрга сиғмай қолдим, ҳатто кетиш керак, деган хулосаларга ҳам келган пайтим бўлган. Лекин яна устозлар менга тўғри маслаҳатлар берди ва яна сахнада қолдим. Баъзида сахнани қадрламаётганларни кўрсам, жуда оғринаман. Ахир бу устозлардан қолган мерос! Унинг маънавий қадрини сақлаб қолиш бизнинг вазифамиз. Сахнага чиқиб хоҳлаган ишини қилиши мумкин, деб қаерга ёзилган билмайман



Унвон... кутганман

Биласизми, мен театрга келганимдан бери бирон марта узилиш бўлмаган экан. Ҳатто касаллик варақам ҳам йўқ экан. Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов ҳам “театрда тинмай, дам олмасдан роль ўйнаган актриса сиз экансиз”, дегани ҳам эсимда. Ижодда ёнардим... Эътирофлар кутганман. Менга ҳам унвон беришармикан, деб беш йилча кутдим. Аммо ҳозир кутмайман. Энди керак ҳам эмас! Лекин бир пайтлар интиқлик бор эди. Баъзида биздан кейин келганлар ҳам олаяптику, деган ўйлар ўтарди. Ҳозир ўйламайман ҳам...

Оилани сақлаб қолиш керак

Турмуш ўртоғимни кўпчилик жуда қаҳри қаттиқ, баджаҳл одам, деб ўйлайди. Аммо аслида ундай эмас. Меҳрибон, қўли очиқ инсон. Ишонасизми, нонушталар тайёрлаб беради, уйда бўлса бир-бирдан мазали таомлар пиширади. Театрда бирга ишладик, ижод қилдик. Иккита бир хил соҳани одамлари бир бўлиб яшаши ҳам осон, ҳам мураккаб. Тушунмовчиликлар, баъзида келишмовчиликлар бўлади оилада. Лекин эр-хотин оилани сақлаб қолиши



учун ҳамиша бир-бирини эшитиши, тушуниши керак. Биз турмуш ўртоғим билан оиланинг юкини, қувончини, дардини бирга-бирга кўтариб келаяпмиз... Бировдан кам, бировдан кўп дейдику, менинг тақдиримга шу инсонни ёзгани учун шукр!



ҚОНУН УСТУВОР, ЖАЗО МУҚАРРАР

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан эхтимоли қатъий терроризм қилган ёки терроризм қилганга ёрдам берган деб топилган Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва наомийш этиш тақиқланган материаллар рўйхати (2023 йил 17 май ҳафтага кўра)

INSTAGRAM

- "Abdurahmon Toshkandi"
- "Sayfulloh Abdullah"
- "Abdulloh Ibn Zubayr"
- "Umma Muhammada"
- "Myborak iyt"
- "Muxohid Abdullah"
- "Islam News Uz"
- "Abdulboriy Abdullaev"
- "Ато ибн Халил Абу Рашта"
- "Ал Қассам"
- "Abubakr Siddiq"
- "Ibn Abdulkarim"
- "Хасан Қодиров"
- "Alhaq_tv"
- "Ahmad Ibn Muhammad"
- "Shamsijahon Shomurodov"
- "Abuu Zubayr"
- "Fayz Abdurakhman"
- "Абу Мусъаб Ал-Сурий"
- "Мухаммад Алиқон"
- "Тавхид Аллоҳни Танитиш"
- "Екубжон Абдужаббаров"
- "Abdulloh Murojir"
- "Din Faxri"
- "Екубжон Абдужабаров"
- "Xolid Jazroviy"
- "Abdulloh Abdullaev"
- "Dunyoyiviy va Din"
- "Murojir O'g'lon"
- "Abdulloh Murojir"
- "Muhammad Termiziy"
- "Abuabdulloh Oshiy"
- "Best Eagle"
- "Iln Tolib"
- "Jundulloh Jundulloh"
- "Abdulloh Masud"
- "Qisqa Darslar"
- "Abdulloh Hamro Samarqandiy"
- "Rabboniyar"
- "Tavhid islom"
- "Zubayr Media"
- "abu_xolid_01"
- "Ibrohim_muvahhid"
- "muhammad_shariy"
- "usmon.abdullayev927"
- "mahmud_abdulomomin"
- "abu_bakr"
- "abu_zahid86"
- "abdullohuzulaf"
- "galaba_yakini"
- "murojir_olohning_dosti"
- "Tavhiduz"
- "Ahliiddin navqotiy"
- "murojir77777"
- "Ali Buhoriy Tv"
- "salomatqalb"
- "qabul ceek"
- "Abdulloh Zulfar"
- "Ilni tolilar"
- "Фонда қоидалар"
- "муваҳхиддалар"
- "Исломи қанал"
- "Saroj mullalari"
- "Baqiyor Murodov"
- "Фалаба Шабодаси"
- "Саад Мухтор"

YOUTUBE

- "Islam TV"
- "ЯНГИИ/МУСУЛМОНЛАР БИЛАН КУРАШНИ КУЧАЙТИРМОҚДА (МАХМУД АБДУЛМУМИН)"
- "БУ ВИДЕОНИ ҲАММА КУРИШИ ШАРТ!// МИЛЛИЙ ТЕЛЕВИДИЕНИДА МУРТАДЛИҚКА ЧАҚИРУВ (УСТОЗ МАХМУД АБДУЛМУМИН)"
- "КОНТРАБАНДА ҲАЛОЛМИ НАОЛОМ!"
- "Рафиқ Қор-и-Мат ҳақида"
- "Islomiy xalifalik nima? Shayx Muhammad Rafiq o'qi, uzбек"
- "ОЗБЕКЧА НАШИДА To'xtamas"
- "Nashed Ibrahim Almajid - Istameeto (استميتو)"
- "Nav'roz bayrami (Abu Xanifa mazhabida) Abdullloh Buxoriy"
- "O'zbekistonda Erkak Qoidimi? (Yonud Vafq Hijob Zulim) | Muvahhid Ibrohim"
- "Ibrohim Muvahhid"
- "КОННИ СУХБАТ (Mahmud Abdulomomin) (04.02.2021)"
- "Махмуд Абдулмумин"
- "НЕГА РАДДИЯ БЕРАСИЗЛАР!//АХЛИ ИМЛАР БИР БИРИГА РАДДИЯ БЕРИШИ ЯХШИМИ?//УСТОЗ МАХМУД АБДУЛМУМИН/Ихтишоқ Абдулмумин"
- "Нашида, шариати ўларинда қўлланган"
- "Асадуллоҳ Ураганини"
- "Нашида А душ қак воқина"
- "TavhidYo'l"
- "BAYYINA TV"
- "TAQVO MEDIA TV"
- "MUSLIM TV"
- "BAYYINA TV"
- "Tarkibi Media"
- "TAQVO MEDIA TV"
- "AI Buhoriy Tv"
- "Islam Dinim Media Sahifasi"

НАШИДА

- "Ахи анта хурр" (Биродар сен озодсан)
- "Залзил урушда золимийн" ("Золимларнинг тахтларини яқсон қил")
- "Нашид-Ummati qadlayha fajrar" (Уммат узра тонг отди)
- "15_Siz_izlagan_nashid_"
- "Xijrat_Abu"

НАШИДА

- "zubayrnavvomm"
- "rijoiz"
- "abu_muoviya"
- "aqso66"
- "ibrohim_muvahhid"
- "abu_muoviya"
- "sunnat_axli"
- "xaqni_izlab"
- "mujohidandijoniy"
- "yayuhon_007"
- "yolovchi"
- "islam_uzb"
- "sunnat_axli"

НАШИДА

- "Az-Zubayr"
- "Ibrohim Muvahhid"
- "Abu Bakr Siddiq"
- "Zubayr Media"
- "Abu Xolid"
- "Ibrohim Muvahhid"
- "Muhammad Shariy"
- "Usmon Abdullayev 927"
- "Mahmud Abdulomomin"
- "Abu Bakr"
- "Abu Zahid 86"
- "Abdullohuzulaf"
- "Galaba Yakini"
- "Murojir Olohnig Dosti"
- "Tavhiduz"
- "Ahliiddin Navqotiy"
- "Murojir 77777"
- "Ali Buhoriy Tv"
- "Salomatqalb"
- "Qabul Ceek"
- "Abdulloh Zulfar"
- "Ilni Tolilar"
- "Fonda Qoidalar"
- "Muvaḥhidalar"
- "Islomiy Kanal"
- "Saroj Mullalari"
- "Baqiyor Murodov"
- "Falaḥa Shabodasi"
- "Saad Muxtor"

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий суди ўзининг расмий веб-сайтлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали суд томонидан экстремистик ёки террористик деб топилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолияти тақиқланган ташкилотлар, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва мобил мессенжерлар рўйхатини эълон қилиб, унинг доимий равишда янгилаб борилишини таъминлайди. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 04.09.2019 йилдаги ПҚ-4436-сон)

religions.uz | t.me/DinQumita | /DinQumita/ | /dinqumita/

Сўнгги вақтларда турли экстремистик ва террористик ташкилотлар, гуруҳлар фаолиятининг кучайганини ижтимоий тармоқлардаги тарғибот материаллари кўпайганидан ҳам сезиш қийин эмас.

Ачинарлиси, хоҳ юртимизда бўлсин, хоҳ бошқа мамлакатларда бу маълумотларга билиб-билмай, кўр-кўрона эргашаётганлар учраб турибди. Бу эса бутун дунё ҳамжамиятини янада хушёр тортишга, қабих медиамарказларнинг асл ниятини инсонлар онгига етказишда янги вазифалар юқлайди.

Статистик маълумотларга қараганда, ўтган даврлар мобайнида АҚШда 68 та, Россия Федерациясида 47 та, Буюк Британияда 78 та ва Туркияда 15 та экстремистик ва террористик ташкилотларнинг фаолияти тақиқланган. Биз сўз юритмоқчи бўлган радикал контентлар статистикасига қаралса, бугунга қадар Россия Федерациясида 5342 та, Қозоғистон Республикасида 1133 та, Қирғизистонда 167 та ва Тожикистонда 2417 та медиа маҳсулотлар суд томонидан тақиқланган.

Мамлакатимизда ҳам бундай контентларнинг тарқалишининг олдини олиш мақсадида Дин ишлари бўйича қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда интернет тармоғидаги радикал диний мазмундаги материаллар аниқланиб, Олий суд қарори билан экстремистик ва террористик материаллар деб топилди. Бу тартиб асосида, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 60 га яқин қарори чиқарилди. Масъул ташкилотлар томонидан 500дан ортиқ контент радикал мазмунда деб топилди. Уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, тарқатиш, олиб кириш, сақлаш ва наомийш этиш тақиқланган. Ноқонуний деб топилган материаллардан аҳолини ўз вақтида хабардор этиш ушбу йўналишдаги фаолиятнинг самарадорлигини оширувчи асосий омилдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, Адлия вазирлиги ва Олий суд ўзининг расмий веб-сайтлари ва бошқа ОАВ орқали ғайриқонуний мазмундаги контентлар рўйхатини эълон қилади ва уни доимий равишда янгилаб боришини таъминлайди.

Диний материалларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланиши, олиб кирилиши ва тарқатилиши учун Вазирлар Маҳкамасининг "Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизаси ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 180-сон қарорига мувофиқ текширув ўтказилади. Ҳар қандай диний мазмундаги материаллар диншунослик экспертизаси ўтказилгандан сўнг олинганда ижобий ёки салбий хулосага қараб эълон қилинади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, юқоридаги қарорга асосан, Дин ишлари бўйича қўмита бирор бир шахс ёки унинг хатти-ҳаракатларига экспертлик хулоса бермайди. Қўмитага ҳуқуқ-тартибот органлари тақдим этган диний мазмундаги материалларга диншунослик экспертизаси хулосасини беради.

Хўш, қандай мазмундаги материаллар ноқонуний деб топилади?

- жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқега қараб ёки бошқа ҳолатларга кўра камситиш ёхуд ўзга шахслар маҳсулотларини обрўсизлантириш;
- Ўзбекистон Республикасининг мажмуд конституциявий тузуми, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш;
- уруш, зўравонлик, терроризм, шунингдек, диний экстремизм ва сепаратизм ғояларини тарғиб этиш;
- миллий, irqий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни тарқатиш;
- диний эътиқодни ўзгартиришга даъват қилиш;
- диндорларнинг диний туйғуларини ҳақорат қилиш ёки камситиш;
- фуқароларни ўз конституциявий мажбуриятларини бажармасликка чақириш;
- давлат, жамоат ёки диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва мол-мулкига тажовуз қилишга ундаш каби ғоялар акс этган материаллар.

Хулоса ўрнида барча ватандошларимиздан шубҳали, текширилмаган ҳар қандай мазмундаги овозли, видео ва бошқа кўринишдаги материалларни сақламасликни ҳамда тарқатмасликни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита маълумотлари асосида Умида ҲАҚБЕРДИЕВА тайёрлади



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН ЭНГ ЯХШИ ДАВЛАТГА АЙЛАНАДИ...МИ?

Кейинги йилларда Ўзбекистон тобора жиддий ва нуфузли тадбирлар ўтказиладиган марказга айланиб бормоқда. Пойтахтимиз шу кунларда иккинчи бор муҳим иқтисодий воқеа марказига айланди – Tashkent City, Конгресс-холл халқаро бизнес марказида иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди.

Тадбир давлатимиз раҳбарининг нутқи билан очилди. Президентимиз ўз нутқида миллий иқтисодиёт, бизнес ва халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг асосий мавзуларини белгилаб берди. Президент ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришнинг янги имкониятларига эътибор қаратди. Биринчи йўналиш эса “яшил иқтисодиётни” янада ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш бўлди. Давлат раҳбари сармоявий имкониятлар мавзусини давом эттирар экан, шериклик учун қатор муҳим омиллар – иқтисодиёт тармоқларининг ҳамкорликка очиқлиги, инвестиция лойиҳалари ва хусусийлаштиришга тайёрлигини айтиб ўтди. Сармоядорлар учун катта истиқболлар жадал ривожланаётган IT, туризм, молия, таълим, тиббиёт соҳалари, шунингдек, давлат-хусусий тадбиркорлик соҳасидаги дастурларда. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон инвесторлар учун зарур ҳуқуқий кафолатлар, алоҳида технопарклар ва саноат зоналарини яратишга, қўшимча имтиёзлар беришга тайёрлигини билдирди.

Форум доирасида умумий қиймати 11 миллиард долларга тенг 164 та битим имзоланди, TIIF-2023да дунёнинг 70 та давлатидан 2500 дан ортиқ эксперт ва иқтисодчи иштирок этди. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигидан маълум қилишларича, жорий йилда форум якунлари бўйича 164 та битим ва шартнома имзоланган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 11 миллиард долларга баҳоланмоқда. Иқтисодий, молиявий, ижтимоий фаолиятнинг деярли барча йўналишларини қамраб олган форумнинг ишбилармонлик дастури доирасида панель сессиялари, давра суҳбатлари ўтказилди, алоҳида йўналишлар ва турли тармоқлар вакиллари ўртасида B2B форматада музокаралар олиб борилди.

Давра суҳбатларида иштирокчилар бугунги куннинг долзарб масалалари, инвесторлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмлари, глобал инқироз шароитида молиявий секторнинг қийинчиликларга қарши туришга тайёрлиги, қайта тикланувчи энергия манбаларига инвестициялар, рақамли технологиялар каби масалаларни муҳокама қилдилар.

Умуман олганда, икки кун давомида 28 та панель муҳокамаси бўлиб ўтди, унда бир қатор мамлакатлардан етакчи халқаро компаниялар, жамғармалар раҳбарлари, таниқли иқтисодчи ва экспертлардан иборат 150 дан ортиқ маърузачилари сўзга чиқди.

Форумнинг илк кунинда мутахассислар эътиборини “Рақамли пуллар: келажакка қараш” панель сессияси тортди. Иштирокчилар рақамли пулни ривожлантириш истиқболларини ва уларнинг банк ва молия бозорига таъсирини муҳокама қилдилар. Унинг модератори, Trase Capital Holdings бошқарувчи директори Timoti Yun бугунги кундаги дунё ва Ўзбекистондаги воқелик нуқтаи назаридан ушбу жараённинг ижобий ва салбий томонлари нимада, деган савол билан сессиянинг оҳангини белгилаб берди.

Банк раҳбари банк фаолиятини рақамлаштириш масаласида “рақамлаштириш биз учун нафақат ҳозирги тенденция, балки зарурат, чунки бу мижозлар базасини тезда жалб қилиш, сақлаб қолиш ва максимал даражада ошириш имконияти” эканлигини таъкидлади. TIIF-2023 якунланди, келишувларнинг умумий ҳажми 11 миллиард АҚШ долларни ташкил этди. TIIF-2022да 7,8 миллиард АҚШ долларлик 105 та ҳужжат имзоланди.

Давлатимизнинг янада ривожланиши учун қилинаётган ислохотлар ва киритилган инвестициялар ҳақида бот-бот гапирдик. Бу ҳақда форум иштирокчиларининг фикри ва тадбирга муносабатини янада чуқурроқ ва аниқроқ билиш мақсадида Тошкент архитектура қурилиш университети ректори, сув ресурсларини лойиҳалаш бўйича мутахассис Ergon Kanyaga юзландик:

– **Бўлиб ўтган форумдан нималарни ўрганингиз ва давлатимиз раҳбарининг нутқида бўлган муносабатингиз?**

– Бизнесинг мамлакатимиз Ўзбекистон сув ресурсларининг катта потенциалига эга. Бу ресурсларни тўғридан-тўғри фойдаланиш ва исрофгарчиликни камайтириш учун бизнинг ҳукумат давлатимизнинг сув соҳасидаги тизимларни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратмоқда. Бу йўл билан мамлакатимизда сувни тўплаш ва сақлаш тизимларини янада ривожлантириш учун инвестициялар кўпаяди. Мамлакатимизда туризм соҳасида ҳам сув объектлари жуда кўп. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз туризм соҳасини ривожлантириш учун сув объектларини янада ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Иқтисодий ривожланишимиз учун сув ресурсларини тўғридан-тўғри фойдаланишга ҳаракат қилиш жуда муҳим ва бу

келажакда Ўзбекистонга янги имкониятлар яратади. Сув соҳасидаги инвестициялар юртимиз иқтисодий ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатади ва ҳукумат бу соҳани янада ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Юртимизда сув таъминоти соҳасидаги ривожланишга қўшимча инвестициялар киритилиши ва туризм соҳасидаги объектларни янада ривожлантиришга ҳаракат қилиниши, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини янада кучайтиради. Ушбу йўл билан янги имкониятларга йўл очилмоқда ва юрт келажакдаги учун катта имкониятлар яратмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг инвестиция форумидаги нутқи мамлакатимизнинг сув соҳасидаги ривожланишига алоҳида қизиқиш кўрсатди.

– **Анча йиллик тажрибангиздан келиб чиққан ҳолда асосан сув ресурсларидан мукамал фойдаланишда нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?**

– Сув ресурслари ҳақида гапиришдан олдин “Сув” тушунчасини ҳар бир инсон тўлиқлигича англаб етишини истардим. Ҳар бир инсоннинг томиридан оқаётган қон, ўша шахснинг яшаши учун муҳим омил деб ҳисобласак, сув ҳам жамиятимиздаги муҳим неъматлардан биридир. Биз ўзимизга қанчалик эътибор қаратсак, меҳр берсак, атроф-муҳитга ҳам шунақа муомалада бўлишимиз керак. Ваҳоланки, айрим қўштирноқ ичидаги инсонлар бу нарсага аҳамият қаратишмайди.

Сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш учун биринчи навбатда, сувни тўплаш ва сақлаш тизимларини янада ривожлантириш керак. Бу тизимлар сувни тўплаш учун сув омборлари, сув қайтариш тизимлари ва сувни сақлаш учун сув ташувчанлик омборлари ва сув таркибини ўзгартиришда кимёвий тизимлардан иборатдир.

Иккинчи навбатда, сувни ишлашда энергия тақдим этиш учун энергия манбаларидан фойдаланиш керак. Бу эса энергия истеъмоли учун сув электр станциялари, сув таркибини ўзгартириш учун кимёвий тизимлар ва сувни қайта ишлаш учун мўлжалланган тизимларда ишлатиладиган энергия манбаларини ўз ичига олади.

Учинчи навбатда эса, сувни қайта ишлаш ва қайта ишлатиш тизимларини ишга тушириш, сувни исроф қилишни камайтириш ва сув ресурсларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш учун кадрларни тайёрлашни ўз ичига олади. Буларнинг янада кўпини санаб ўтишим мумкин, аммо асосий нарса шундаки, сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш учун интеграциялашган, ўзаро боғлиқ тизимларни ривожлантириш керак. Шундай қилиб, сув ресурсларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш учун интеграциялашган тизимлар яратилиши ва ривожлантирилиши керак.

– **Ушбу соҳадаги давлатимиз учун фойдали бўлган лойиҳаларингиз ҳақида маълумот берсангиз.**

– Ўзбекистонга илк келганимдан буён менда бир ғоя мавжуд. Ғоя ҳақида айтадиган бўлсам, Туркия ва Ўзбекистондаги малакали кадрларни бирлаштириб “Оқил одамлар маркази” яъни тадқиқот маркази қуриш ниятим бор. Марказни қурганимдан сўнг аввало биз ер усти ва ер ости сув потенциалини ўрганиб чиқамиз. Маҳаллий ва халқаро мутахассислардан жамланган ишчи гуруҳни шакллантирганимиздан кейин улар билан биз кейинги қадамни режалаштиришимиз керак бўлади. Албатта бу узоқ муддатли лойиҳа ҳисобланади яъни 1 ой ёки 1 йилда амалга ошириладиган ишлар эмас. Ўзбекистонга келиб мен битта нарсага гувоҳ бўлдимки, жуда кўп ишларда шошқалонлик қилишдади лекин, мен айтаётган ишларда қисқа муддатда яхши натижа олиб бўлмайди.

Дилнура МАМАСАФӨЕВА тайёрлади

0-дан миллионларгача


Мол-давлат камдан-кам ҳоллардагина тухфа этилади. Тўқис ва тўқин ҳаёт учун меҳнат қилиш керак! Биз билган кўплаб дунё юлдузларининг аксарияти ҳаммаша бугунгидек ҳашаматли, ҳавасли ҳаёт кечирганми? Албатта йўқ!



Эминем! Дунёнинг энг машхур реппэри! Бугун унинг ҳаётига аниқроқ айтсак, топган-тутганига ҳавас қилмасликнинг иложи йўқ. Аммо Эминем бу кунларни ҳатто тушида ҳам кўрмаган эди, десак ишонасизми? Ростдан ҳам у камбағал оилада дунёга келган. Бундан ҳам қийини унинг тинимсиз отишма, жанжаллар қуршовидаги Детройт шаҳрида туғилгани эди. Нотинч ҳаётга кўниккан Эминем маҳаллий ўсмирлар томонидан бир неча марта калтакланган, кўп жабр кўрган. Яна унинг отаси оиласини ташлаб кетгани, онаси эса оғир вазиятда фарзанди учун тинимсиз меҳнат қилган. Эминем бугунги ғалабаларга ана шундай мураккаб йўллари босиб ўтиб, эришган!



Жастин Бибер ҳам қашшоқ оилада дунёга келган. Бўлажак хонанда туғилганида онаси атиги 18 ёшда бўлган. Жуда ночор, қундалик еб-ичиши учун ҳам имкони бўлмаган шароитда улғайган Жастин Бибер болалик йилларини эслашни истамайди. Унинг айтишича, уйда каламушлар изғиб юрган ва она бола улар билан бирга "яшашга" мажбур эди. Вақт – ҳаммасига даво! Тақдир кимни нима билан сийлаши ҳам фурсати билан маълум бўлади. Кўшиқчининг ҳозирги яшаш тарзига қараб билмаганлар унинг жуда қийин шароитда катта бўлганига ишониши қийин.



Дунёдаги энг машхур комиклардан бири Жим Керрининг болалиги у қадар ёқимли ўтмаган. Унинг ота-онаси молиявий жиҳатдан катта қийинчиликларга учраган, оила ҳатто автофургонда ҳам яшашга мажбур бўлган. 16 ёшида йигитча мактабни ташлаб, шина заводида фаррош бўлиб ишга кирган. Жимнинг онаси оғир невроздан азият чеккани вазиятни янада мураккаблаштиради. Барча қийинчиликларга қарамай, Керри доимо ажойиб юмор ҳиссини ўзида сақлаб қолди. Бўш вақтида стендап-сценарийлар ёзган, клубларда чиқиш қилган ва кастингларга бэрган. Натижада Керри «Эйс Вентура: Уй ҳайвонлари қидируви» комедиясида бош ролни кўлга киритган. Айнан ушбу фильм унга катта машхурлик олиб келган.



Рианна! Унинг болалик йиллари сизнингча қандай ўтган? У болалигидан ишлаб оиласига ёрдамлашган. Айтганча, унинг асл исми Робин Ферти. У икки укаси билан бирга Барбадосдаги уч хонали уйда катта бўлган. Изланувчан, меҳнатдан қочмай-диган Рианна машхурликка эришиб, маълум бир иқтисодий аҳволга эришганидан сўнг АҚШга кўчиб ўтган.

Реклама

ПОЙТАХТИМИЗДА АҲОЛИ СОНИ

Бугунги кунда юртимизда аҳолининг сони ва унинг ўсиш суръатлари узлуксиз равишда ортмоқда.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармасининг маълумотига кўра, пойтахтимизда доимий аҳоли сони 2023 йил 1 апрель ҳолатига кўра 2 миллион 978 минг 200 кишини ташкил этмоқда. Шундан:

эркаклар сони 1 миллион 460 минг 800 кишини,
аёллар сони 1 миллион 517 минг 400 кишини ташкил этди.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

Вниманию аудиторских организаций!

ООО «ClinicPro» объявляет конкурс «Аудит по МСА финансовой отчетности, подготовленной в соответствии с Национальными стандартами бухгалтерского учета (НСБУ) за 2022 год».

Требования к претенденту (исполнителю):

— Наличие исполнителя в Реестре аудиторов на сайте Министерства финансов РУз;

— Наличие рейтингового показателя по итогам деятельности за 2021 год не ниже 30-го места в соответствии с национальной системой рэнкинга аудиторских организаций;

— наличие штатных сертифицированных аудиторов, в том числе не менее пяти человек, имеющих сертификат аудитора (национальный), и не менее трех человек, имеющих дипломы (сертификаты) одной из международных профессиональных организаций: АССА, CPA и т. п.,

— наличие полиса страхования гражданской ответственности на сумму в размере не менее 1 млрд сумов.

Для участия в конкурсе участники должны представить следующие документы:

— коммерческое предложение для участия в конкурсе с указанием стоимости аудиторских услуг;

— референц-лист с указанием не менее трех компаний, для которых исполнителем были оказаны аудиторские услуги;

— информацию о специалистах, которые будут задействованы в данном проекте, с указанием Ф.И.О., квалификации, опыта работы на аналогичных проектах, а именно — аудит медицинских учреждений;

— копии лицензии на осуществление аудиторской деятельности в Республике Узбекистан, а также документа, подтверждающего государственную регистрацию юридического лица;

— копии сертификатов аудитора, выданных уполномоченным государственным органом Республики Узбекистан;

— копии полиса страхования гражданской ответственности аудиторской организации;

— перечень предприятий и организаций, где аудиторской организацией были проведены аудиторские проверки финансовой отчетности за последние три года; предоставление рекомендательных писем.

Документы необходимо направить по адресу: г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 30;

по электронной почте: clinic.pro@mail.ru, не позднее 18.00 29 мая 2023 года.

Телефон: +99878-113-02-01 (внутр. номер 5454).

1993 йил 7 январда Путилова Наталья Сергеевна номига берилган №07-02/1499 рақамли давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Тошкент тумани давлат хизматлари маркази томонидан 18.02.2019 йилда 689139 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «MODART LEATHER» МЧЖ (СТИР 306157392) 2023 йил 2 мартдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қуйидаги манзилда кўриб чиқилади: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Чоштепа ҚФЙ, Обод-тепа кўчаси, 11-уй.

TOSHKENT OQSHOMI

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Магбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: Кабулхона (71) 233 61 10
Реклама (71) 233 28 95

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Магбуот ва ахборот бошқармасида 02-001-рақами билан рўйхатта олинган

“NISO POLIGRAF” МЧЖ босмахонаси.

Нашр учун масъул
З. НАЗАРОВ

Тошпириш вақти 00:55
Тошпирилди 05:00
Буюртма -



МУАССИС:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Севдо НИЁЗОВА

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Газетада босилган мақолалар учун муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқ қилиши мумкин. “Тошкент оқшом” материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, “Машъал” маҳалласи, Марказий кўчаси, 1-уй

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. Адади 500 нусха, қоғоз бичими А3

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди

